

Farg'ona haqiqati

Bosh hamkor – Farg'ona viloyati hokimligi

<http://farhaqiqat.uz/>
t.me/farhaqiqati

№ 85 (24682)



ОТАХОН НАШРНИНГ 105 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

“Фаргона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари тахририятида газеталар чиқа бошлаганининг 105 йиллиги муносабати билан тантанали тadbир бўлиб ўтди. Унга тахририятларда узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилган фахрий журналистлар тақдир этилди.



НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯДА ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

ТАЙИНЛОВ

Фарғона тумани ҳоқими ИНОМОВ Ҳамидулло Тожиевич

Сессияда иштирок этган Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров сўзга чиқди. Вилоят раҳбари бугунги кунда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ички сийosat ва ислохотлар жараёнига тўхталиб, халқ ичига кириб бориш, халққа хизмат қилиш, одамлар турмуш фаровонлигини таъминлаш ва уларнинг давлатдан розилиги йўлида хизмат қилиш ижроия органлар раҳбарларининг устувор вазифаларидан эканлигини таъкидлади. Фарғона туманининг республикада алоҳида ўрни бор. Худудда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш, қурилиш ишларини жадаллаштириш, туризмни янги bosқичга олиб чиқиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш имкониятлари мавжуд. Бирок яратилган шароит ва давлат қўмақларига қарамай туманда оқсоқликлар, ўзибўларчилик ҳолатлари вужудга келди. Собиқ ҳоқим Шўхрат Мўминов фаолиятида камчиликлар кўзга ташланди, у ўз вазифасини бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйди. — Замон ўзгаришти, бошқарув тизимида талаблар кучайиб борапти. Энди раҳбарлар изланмаса, ташаббус кўрсатмаса, яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланмаса, кўзлаган мақсадга эришолмайди, халқ ишончини қозона олмайди, — деди вилоят ҳоқими. Сессияда вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Кадрлар маъмуриятчилиги департаменти давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар ишини мувофиқлаштириш бошқармаси бош инспектори бўлиб ишлаб келаётган Иномов Ҳамидулло Тожиевични Фарғона тумани ҳоқими лавозимига тавсия этди. Депутатлар номзодни бир овоздан маъқулладилар. Фарғона тумани ҳоқими Ҳамидулло Иномов сўзга чиқиб, юксак ишончни оқлашини билдирди.

Ҳамидулло Иномов 1982 йилда Бувайда туманида туғилган. 2004 йилда Фарғона давлат университети, 2020 йилда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Қўқон шаҳрида суд ижроси сифатида бошлаган. Турли йилларда “Универсалбанк” ва “Микрокредитбанк” Фарғона вилояти филиалларида хизмат қилган. 2017-2020 йилларда вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари — Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи бўлган. 2020 йилдан буюн Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Кадрлар маъмуриятчилиги департаменти давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар ишини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи инспектори, бош инспектори вазифаларида фаолият юритиб келган.

ФЕСТИВАЛОЛДИ ТАДБИРЛАРИ МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ БИЛАН БОШЛАНДИ

“Атлас байрами” V халқаро аънавий тўқимачилик фестивали доирасидаги тадбирлар Қўштепа туманидан бошланди. Айни кунларда туман “Хунармандлар маркази” республикамизнинг турли худудларидан ва қўшни Қирғизистондан келган меҳмонлар билан гавжум. Марказда аънавий хунармандчилик, этно-дизайн ва тадбиркорлик бўйича назарий ҳамда амалий ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Куннинг биринчи ярмида бизнес тренерлар Дамира Тўхтасинова, Лола Абдуҳалимова томонидан тадбиркорликка қизиққан катнашчилар учун “Биз ўз бизнесимизни бошлаймиз” мавзусида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Унда олти нафардан ортиқ хунармандларга мақсадни белгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш стратегияси, махсулотни сотиш йўллари, молиявий саводхонлик, бизнес учун бошланғич капитал тўғрисида назарий билимлар берилди. Шунингдек, улар дизайн, аънавий каштачилик, жияк тўқиш ва табиий ранглардан фойдаланиш бўйича амалий машғулотларда ҳам қатнашди. — Баҳс-мунозараларга, савол-жавобларга бой тарзда ўтказилаётган тренинглар жараёнида жуда кўп билимлар оляғимиз, — дейди П.Бенков номидаги республика ихтисослаштирилган расомлик мактаби ўқувчиси Лазиза Зайниддинова. — Айниқса, аънавий каштачилик бўйича мохир уста Мадина Қосимбоевнинг дарслари менга

бир олам завқ берди. Ўзим шу йўналишда таҳсил олаётганим учун мазкур соҳадаги янгиликлар, миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш услублари каби жиҳатларни фаолиятимда қўллашга ҳаракат қиламан. “Атлас байрами” фестивали миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва тарғиб қилиш, соҳа вакиллари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонаман. Фестивалолди тадбирлари доирасида “XIX-XX аср бошларида аънавий ўзбек либослари”, “Мустақиллик йилларида аънавий хунармандчиликни тиклаш ва сақлашдаги муаммолар”, “Ўзбекистонда замонавий мода олами ва аънавий хунармандчилик санъати” каби мавзуларда ҳам санъатшунослик фанлари доктори, академик Акбар Ҳақимов ҳамда Камолитдин Беҳзод номидаги зиёд қимматбахо санат хомашеси териб олинди. Бугун илғорлар сафига Олтириқ туманининг фидойи фермерлари қўшилиб, уларнинг сай-ҳаракатлари билан 20 минг тоннадан зиёд қимматбахо санат хомашеси териб олинди. Ҳа, пахта пайкаллари оралаб басма-басига меҳнат қилаётган теримчилар, қабул пунктлари томон бораётган пахта қарвонлари далаларда ҳосил чўғи мўл бўлганини кўрсатиб турибди. Вилотимизда пахта тайёрлаш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган туманлар сафи ортиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда пахтачиликда кластер тизимининг жорий қилингани, хомашэ етиштирувчи фермер

Гўзал ОХУНОВА.

Atlas Bayrami
V XALQARO AN'ANAVIY TO'QIMACHILIK FESTIVALI
V INTERNATIONAL TRADITIONAL TEXTILE FESTIVAL
V МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ ТРАДИЦИОННОГО ТЕКСТИЛЯ
O'ZBEKISTON MARG'ILON 20/21/22 OKTABR 2022

ДАЛАЛАРДА ПАХТА МЎЛ, ЗАФАРЛАР ҲАМ КАМ ЭМАС



Улкан хирмонни яратишда тумандаги 142 та фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. 100 дан зиёд фермер хўжаликлари биринчи теримнинг ўзида юксак натижаларни қўлга киритди. Бувайдалик фермерлар 17 минг тоннадан зиёд пахта хирмонини бунёд этиб, йиллик шартномавий режани ортиғи билан бажарган бўлса, тошлоқлик пахтакорлар 18 минг 200 тонна пахта териб, қўзланган маррага етидилар. Бугун илғорлар сафига Олтириқ туманининг фидойи фермерлари қўшилиб, уларнинг сай-ҳаракатлари билан 20 минг тоннадан зиёд қимматбахо санат хомашеси териб олинди. Ҳа, пахта пайкаллари оралаб басма-басига меҳнат қилаётган теримчилар, қабул пунктлари томон бораётган пахта қарвонлари далаларда ҳосил чўғи мўл бўлганини кўрсатиб турибди. Вилотимизда пахта тайёрлаш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган туманлар сафи ортиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда пахтачиликда кластер тизимининг жорий қилингани, хомашэ етиштирувчи фермер

хўжалиқларига уруғлик, минерал ўғит, ёнилиги-мойлаш махсулотлари ўз вақтида етказиб берилгани далаларда мўл ҳосил туپлаш ва териб олишда муҳим омил бўлди. Деҳқончиликда техника муҳим ўрин эгаллайди. Кластер корхоналари томонидан моддий-техник таъминот мустаҳкамлаш масаласи асосий вазифа сифатида белгиланди. Жорий йилда фермер хўжаликлари томонидан 82 минг 80 гектар майдонга чигит экилиб, парвариш қилинди. Белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги, деҳқонларнинг самарали меҳнати эвазига ҳар гектаридан ўртача 34,7 центнердан ҳосил олинмоқда. — Вилотимизда пахта йғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 1 минг 380 та отряд шакллантирилиб, 151 минг нафардан ортиқ теримчи жалб этилган. Шунингдек, хирмонга кўнгилли ҳашарчилар

ҳам ҳисса қўшяпти. Уларга етарли шарт-шароитлар яратилиб, мунтазам равишда рағбатлантириб боришда, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг пахтачилик бўлими бошлиғи Хусниддин Қомиллов. — Пахта майдонларига “Анджон-35”, “С-8290”, “Наманган-77” каби истиқболли ва янги навлар экилгани ҳам ҳосилдорликка ижобий таъсир қўрсатди. Омилкор деҳқонлар гўза парваришидаги барча агротехник тадбирларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариб, мўл ҳосил яратдилар. Бувайда туманидаги “Каримжон ҳожи ота 777” фермер хўжалигининг 11,3 гектар ерига баракка уруғи қадалган эди. Каримжон Матазимов, Рустамжон Нишонов каби сувчиларнинг куну тун қилган заҳматли меҳнати, Санобархон Каримжонова, Ҳилола Раҳимова, Озода Раҳимованинг бир кунда 130-150 килограммгача пахта териб, хирмонга қўшган ҳиссаси туфайли фермер

хўжалиги зафар кучди. “Нодирбек” фермер хўжалиги раҳбари Низомжон Назировнинг сўзларига қараганда, бу йилги мўл ҳосилга аввало қўлай келган об-ҳаво сабаб бўлаётган бўлса, ўз вақтида қилинган машаққатли меҳнатлар ҳам самарасини бермасдан қолмади. Унинг 15 гектар ерга эккан чигити 55 тонна ҳосил берди. — 5210 гектар майдондан 18 150 тоннадан зиёд қимматбахо санат хомашеси йиғиштириб олинди. Бу туманимиз фермерларининг ишга янгича ёндашиш меҳнат қилганликларини самараси, деб биламиз. Юздан зиёд фермер хўжаликлари шартномавий режаларини ортиғи билан адо этдилар. Мана хирмонга баракка кирди. Вилотда биринчилардан бўлиб пахта режасини бажардик, — дейди Ёзёвон туман ҳоқимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Абдуҳалим Саидов. Ҳали далаларда пахта мўл. **Муаттар МАҲМУДОВА.**

Остона саммитидан кейинги ўйлар

ЎЗБЕКИСТОН — ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Ўтган ҳафтада Қозоғистоннинг Остона шахрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ҳавбатдаги саммити бўлиб ўтди.



Юкори даражадаги саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.


қилаётганига эътибор қаратди. Маълумотларга кўра, очликдан азият чекаётган сайёраимиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё китъасида яшамоқда.

тақозо этилмақда. Президентимиз мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва мулоқот таназзулга учраган, юзага келмаётган иқтисодий, ўзаро товар айирбошлаш, транзит масалаларидаги мураккаблик шароитида дунёдаги глобал муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш ва бунда ҳар бир мамлакат бир-бирига кўмакчи бўлишни алоҳида таъкидлади.

ларни радикаллашувдан асраш, динлараро тотувликни сақлаш, таълим ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги ишончли мулоқотлардан иборатдир.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИМИСИЗ?!

Унда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилинг!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 14 октябрь куни "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Карорга мувофиқ, "Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари" ва "Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низоми" тасдиқланди.

шуғullanмаслиги, фаворитизмдан тийилиши лозим. Давлат хизматчилари, шунингдек, ишдан ташқари пайти шўхратбозликдан, маишатбозликдан, ичкиликбозликдан тийилиши керак.

21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

Филология фанлари номзоди, доцент Ҳасанали Рустамов она тилимизнинг жонкуяри, тилпарвар олим сифатида яшаб ўтди, шогирдлари хотираларида қолди.

У 1922 йилда Наманган вилояти Янгикўрғон туманида таваллуд топти, 1940-1941 йилларда Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди, 1948 йилда Фаргона давлат педагогика институтини ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлади.

“КВАРЦ” АЖ ИСЛОҲОТЛАР МАЙДОНИДА ЕТАКЧИЛАР ҚАТОРИДА

"Кварц" АЖ — ўзоқ йиллик тарихга эга, шиша саноатида етакчи Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик корхона ҳисобланади.

Ислоҳотлар майдонида етакчилар қаторида

Турли хил ҳажмдаги шиша идишлар, етти хил рангдаги қурилиш ойналари, шу жумладан, автомобиль соҳаси ва мебель саноатида, халқ ҳўжалиги учун мўлжалланган турли хил ойна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган корхонада маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатни муттасил юксалтириб бориш, халқаро тажриба, замонавий технологияларни урганниш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.



Ишлаб чиқариш учун ҳомаш маблағлари — сода қули, кварц қуми, натрий сульфат, дала шпалти, доломит ва оҳақшох маҳаллий маҳсулот эканлиги корхона фаолиятидаги қулайлик жиҳатларидан биридир.

Исабоев. — Энг муҳими, энергия сарфи икки бараварга камайди. Маҳсулот таннархи 20-30 фоизга арзонлашди.

Ассий ишлаб чиқариш маҳсулоти хисобланган М1, М2, М3 ва М4 маркали ойналар архитектура ва қурилишда, мебелсозлик ва автомобилсозликда кенг фойдаланилиши билан ички ва ташқи бозорларда жуда харидорларга қўйиб келинади.



Биржа савдосида иштирок этишни, балки унинг акциядорлари ва инвесторлари учун корпоратив ҳаракатларнинг шаффофлигини таъминлашни ҳам аниглади.

Шарифа ИСКАНДАРОВА, филология фанлари доктори, профессор. Гулбаҳор РОЗИҚОВА, филология фанлари доктори, доцент.

Муаттар МАҲМУДОВА.

